



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900; tel.: (+99876) 46-52-511, [qumhok@exat.uz](mailto:qumhok@exat.uz)

20 21 -yil “ 19 „ март

Қ-396 -son

Qumqo‘rg‘on t.

**Тумандаги “AMU ZANG GALLAKORI”  
номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган  
фермер хўжалигини ташкил этиш ва ижарага  
ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2021 йил 12 мартдаги 6-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2021 йил 12 мартдаги 6-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Б.Элмуродов бошлиқ “AMU ZANG GALLAKORI” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга олинсин ҳамда “Қумқўрғон” массиви “Арслонбойли” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида хўжалик харитасида 293қ, 292қ, 318қ, 317, 306, 278, 280, 281, 239, 316-дала контурларидан жами 48,98 гектар, шундан 43,09 гектар суғориладиган экин ер майдони, 1,87 гектар бўз ер, 2,50 ариқ, 0,42 гектар йўл, 1,10 гектар кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш, фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман Давлат хизматлари маркази раҳбари Ш.Бўтаевга фермер хўжалигини Давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

5. Фермер хўжалиги раҳбарига ўз ҳошишига кўра тижорат банкларининг бирдан ўзининг ҳисоб рақамини очиш тавсия этилсин.

6. Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.


7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров



Кумкургон туман Хоками  
Р.Гаппаровга

«Арслонбойли» махалласида  
яшовчи фукаро Элмуродов  
Баходир томонидан  
Телфон:+99897-554-43-60

### А Р И З А

Ёзаман ушбу аризани шу мазмундаким, Туман ер захира ер фондида турган «Арслонбойли» махалласидаги 293к, 292к, 318к, 317, 306, 278, 280, 281, 239, 316, дала контурлардаги жами 48,98 гектар, шундан 43,09 гектар сугориладиган экин ер майдони, 1,87 гектар буз ер 2,50 арик, 0,42 гектар йул 1,10 гектар кишлок хужалигида фойдаланмайдиган ер майдонини «Амузанг Галлакор» фермер хужалиги ташкил килишга меъёрий хужжатлар килишга рухсат беришингизни сурайман.

«Арслонбойли» махалласида  
яшовчи фукаро:



Б.Элмуродов  
26.02.2021 й

ҚОҒАМЧИ НОҚИМ	SANIFALAR SONI	1
	KIRISH №	475/01-41
	SANASI	26-02.21

Кумкургон туман  
ер ресурслари ва  
давлат  
содаси бўлими  
қирини  
ана  
26.02.2021  
1.03.2021

**Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on  
tuman fermer, dehqon xo'jaliklari va  
tomorqa yer egalari Kengashi**

190900, Surxondaryo viloyati, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox  
ko'chasi 3-uy



**Сурхондарё вилояти Қумқўрғон  
туман фермер, деҳқон  
хўжаликлари ва томорқа ер  
эгалари Кенгаши**

190900, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани, Ўзбекистон шох  
кўчаси 3- уй

2021 йил « 27 » февраль

Қумқўрғон тумани

№ 139

Сурхондарё вилоят Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг Қумқўрғон туман “Арслонбойли” маҳалласида яшовчи фуқара Баҳодир Элмурадовга ғалла-пахтачилик фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони олишга муносиб ёки номуносиблиги ҳақида.

**ХУЛОСАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15-декабрдаги “фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли қарорига кўра, фуқаро **Баҳодир Элмурадовга** фермер хўжалик юритиш учун ер майдони (участкалари) берилишига муносиб ёки номуносиблиги бўйича, Қумқўрғон тумани фермерлар Кенгаши хулоса бериш учун ўтказган суриштирув текширув натижасида қуйидагиларни аниқлади:

1. Меҳнат дафтарчасига кўра иш стажи 20 йил. Қишлоқ хўжалигида тажрибаси бор.
2. Маълумоти ўрта-махсус.
3. Талабгорнинг 2 бошқорамоли ва 5 бош қўйи мавжуд.
4. Талабгорнинг техникаси мавжуд эмас.
5. Талабгорнинг 10 та ишчи кучи мавжуд.
6. Талабгорнинг томорқаси мавжуд эмас.
7. Талабгорнинг иқтисодий асосланган бизнес режаси мавжуд

Юқоридагиларга кўра, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши қуйидаги хулосага келди.

Қумқўрғон тумани “Арслонбойли” маҳалласида яшовчи **Баҳодир Элмурадовга** Қумқўрғон худудидан ғалла-пахтачилик фермер хўжалиги юритиш учун ер майдони (участкалари) ажратилишига **муносиб**.

Ушбу хулоса аризалар билан биргаликда туман “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”га юборилсин.

**Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон  
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари  
Кенгаши раиси:**

475/01-41  
26.02.2021 й

**А.Самадов**



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2021-yil “25” феврал

Қ-273 -son

Qumqo‘rg‘on t.

**Тумандаги “Арслонбойли ғолиби” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги билан ер участкасини узок муддатли ижарага бериш шартномасини бекор қилиш хақида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг IV-боб, 36-моддасига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг VI-боб, 32-моддасига, тумандаги “Арслонбойли ғолиби” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бошлиғи З.Абдуназаровнинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1.“Арслонбойли ғолиби” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бошлиғи З.Абдуназаровнинг туман ҳокими номига ёзган аризаси қаноатлантирилсин.

2.Тумандаги “Арслонбойли ғолиби” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги билан туман ҳокимлиги ўртасида тузилган ер участкасини узок муддатли ижарага бериш шартномаси муддатидан олдин бекор қилинсин.

3.“Арслонбойли ғолиби” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ихтиёрида бўлган “Қумқўрғон” массиви “Арслонбойли” маҳалла фуқаролар йиғини худудида хўжалик харитасида 293қ, 292қ, 318қ, 317, 306, 278, 280, 281, 239, 316-дала контурларидан жами 48,98 гектар, шундан 43,09 гектар суғориладиган экин ер майдони, 1,87 гектар бўз ер, 2,50 ариқ, 0,42 гектар йўл, 1,10 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинсин.

4.Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга, туман ҳокимлиги захира ер майдонининг ер ҳисоботиға тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

5.Тумандаги “Арслонбойли ғолиби” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг барча қарздорлиғи ўз зиммасида қолдирилсин ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, тегишли тижорат банк раҳбари, қарздорликни ундириш юзасидан тегишли судлар орқали ҳамда туман Мажбурий ижро бюроси (А.Холмуродов) билан биргаликда ундириш чораларини кўрсин.

6.Ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси, туман ҳокимлиги захира ер майдониға қайтариб олинган 48,98 гектар ер майдониға қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талабгорларға танлов асосида бериш вазифаси юклатилсин.

7.Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)ға мазкур қарор нусхаларини тегишли ташкилотларға етказиш вазифаси юклатилсин.

8.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиғи масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасиға юклатилсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров